



Қарз
ботқоғида

(1,2-саҳифаларда)

Тарихингдир
минг
асрлар...

(1,4-саҳифаларда)



Имконият
борми?

(4-саҳифада)



Куннинг
муҳим
воқеалари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидаги ижроси оид масала қўриб чиқилди.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёнғини майдонда Жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўнига бағишланган экологик фестивал бўлиб ўтди.

● Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш масалаларига бағишланган минтақавий семинар-тренинг бошланди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида маданият, санъат ва мусиқа маҳсулоти коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танлови ғолиблари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда республика таълим муассасаларининг ижрочи ўқитувчилар ўртасида ўтказилган «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танлови якунланди.

● Пойтахтимизда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида самбо юлдузлари ўртасида жаҳон чемпионати ҳамда эркаклар ва хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Осиё очик чемпионати низоҳисига етди.

● Андижон вилояти шифокорларига замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланган учта реанимобиль ва иккита «Дамас» тез ёрдам машинаси берилди.

● Намангандаги «Дўстлик» спорт-соғломлаштириш мажмуида 16 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида шохмат бўйича Осиё чемпионати якунланди.

● Оқолтин тумани пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш шартномасини рожасини якунладилар. Қабул пунктларида 28 тонадан ортиқроқ юқори сифатли хом ашё етказиб берилди.

● Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Хива туманида аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлими томонидан маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва «Маҳалла» жамғармаси бўлими кўмағида иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

● Фарғона шаҳрида гуллар ва қушлар байрами бўлиб ўтди.

Донимиздан кўнглимиз тўқ,

– дейди андижонлик ғаллакорлар

Жорий йил Андижонда 74 минг 265 гектар майдонда боғдорчи экинлар парвариш қилинди. Шартномага кўра 238 минг тонна дон давлат буюртмаси бўйича тайёрланади. Шундан 91 минг тоннаси уруғлик ҳисобланади. Ўрмин-йиғимни ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида мавсумга 244 та, жумладан, 157 та «Кейс» комбайнлари жалб этилган. Донни тайёрлов корхоналарига етказиш учун 2942 та транспорт воситаси ажратилган.

130 гектарда «Чиллаки» парвариш қилинган. Орифжон Салимовга қарашли оилавий пудратчилар 26 гектар ерда ғалла етиштиришди. Биринчи иш қунидаёқ 15 гектарда ғалла янчибли, ҳосил таро-зига тушди. 102 тонна ҳосилдор-лики чаксангиз гектар ҳисобига 60,8 центнерга тўғри келди.

Етиштирилган донимиздан кўнглимиз тўқ, – дейди Орифжон Салимов. – Биз шартнома бўйича ҳар гектар ердан 57 центнердан дон тайёрлашимиз керак эди. Ҳосилимиз чўғи эса кўриб тур-ган.

нингиздек баракали. Ўтган йили ўзимизга 12 тонна дон қолган эди. Энди мўлжални бундан-да катта-рок олиб турибмиз.

– Ўтган йили ўрмин-йиғимдан сўнг далага тўкилган дон худди янги сепилгандек бир текис униб чиқди, – дейди ижарачи. – Ушанда ерга тўкилган доннинг беҳад кўплиги бизни уйлантириб қўйди. Биз ўрмин-йиғимнинг ўта тез ба-жарилганига беқорга қувонган эканмиз. Бу йил ишнинг сифати-га ҳам эътибор қаратяптимиз.

Мазкур ҳўжалиқда 21 та оила-



МАВСУМ

вий пудратчи бор. Уларнинг бари Орифжондек ҳисоб-китоб билан меҳнат қилишади.

Ғалла етиштириш технология-сини ўзлаштириш борасида Ан-дижонда ўзига хос мактаб мав-жуд. Бир неча йиллардан бунён ўр-мин-йиғим даврида юз берадиган ти-ғизликнинг олдини олиш мақса-дида даладаги боғдорчи-боғдор-чи пишиб етилганда бугдой нав-лари экилади. Жорий йилда 12 минг 24 гектар майдон «Чиллаки» на-вига ажратилган. Биринчи ком-байнлар анз шу майдонларда ў-рмин-йиғимни ўтказиш учун дала-га киритилмоқда. Биринчи иш қу-ни Улугмор, Бўё, Асака ва

Марҳамат туманларида ҳам дон янчи олишга киришилди. Бугун тоғолди худудларидаги туман-ларга тегишли комбайнлар ви-лоятнинг марказий худудлари далаларида ишлатилляпти. Дон янчи олинадиган сўнг дала-ларни сомондан тозалаш, шудгор-лаш, такрорий экинлар экиш кат-та куч ва ташкилотчиликни тақо-зо этади. Андижонда бу ишлар-нинг урдақидан чиқиб бирдек киришилганлиги сезилиб туриб-ди.

Қобилжон АСКАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири,
Х.АРАББОВ
олган суратлар.

Ижодий танлов Ғолиблари

Ижтимоий-сиёсий, мада-ний-маърифий ва бошқа жабҳаларнинг долзарб ма-салаларини газета саҳифа-ларида ёритиш юзасидан «Қишлоқ ҳаёти» тахрири-я-ти томонидан ўтказиб ке-линаётган ижодий танлов ғолиблари ой сайин мо-дий ҳамда маънавий жиҳат-дан рағбатлантирилиб бо-риляпти. Май ойида газе-та-миз саҳифаларида эълон қилинган пискентлик қалам-каш Собиржон Ино-мовнинг «Тася момонинг кўзунчоғи», тахрирба-ли журналист Иброҳим Нор-матовнинг «Мен». Ким у?», «Қишлоқ ҳаёти»нинг Қашқадарёдаги мухбири Фахриддин Бозоровнинг «Чол ва денгиз» сарла-в-хали мақолалари кўпчилик

томонидан эътироф этил-ганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг муаллифларини моддий жиҳатдан рағбат-лантиришга қарор қилинди. «Қишлоқ ҳаёти»нинг Намангандаги мухбири Ру-стамжон Уматовнинг «Бир сиким тулрок», жур-налист Тўлан Кўзибое-вининг «Яна ғаллашигиз ке-лаверди...», газетамиз мухбири Фазлиддин Аб-ловнинг «Қадим юртга қайтган қадим уйинлар» сарлавхали мақолалари жамоатчилик назарига ту-шганлиги қайд этилди.

Тахририят журналист-лар, ёзувчилар, шоирлар ва бошқа ижодкорларни ҳар ойда яқунлаб бори-лаётган ушбу танловда фаол қатнашишга чақиради.

Қадимий масканнинг замонавий кўрки

Қарши шаҳрининг кўҳна сиймосида аждодларимиз-нинг мардик, юртга содиқлик, ватанпарварлик каби қасдларни улуғлангандай, шаҳрининг жаҳон тамад-дуни бешиги бўлиб тарихга киргани диллимизни иф-тихорга тўлдирди.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти эътироф этган қутлугъ танта-на шуқуҳи аллақачон воҳа аҳли қалбида кечмоқда. Вази-рлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишон-лашга тайёргарлик қўриш тўғрисида»ги қарори асосида бу-гунги кунда бунёдкорлик ишлари қизгин олиб боришмоқда.

Гўзал ва бой чўқур тари-га эга қадимий шаҳ-рида чироқ оч-навий ва миллий шаҳарсозлик анъаналари уйғунлигида қад ролтаётган маданий-маиший, маъмурий бинолар, турар-жой ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари унга ўзгача қўрқ, навқир-ронлик бахш этиб турибди.

«Тарих хотираси – халқнинг, жонаҳон ўлканнинг, давлати-миз худудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклашда, мил-лий ўзликини англашда, таъбир жоиз бўлса, миллий ифти-хорни улуғлашда ва ўстириш жараёнида фойт муҳим-ўрин ту-тади». Юртбошимизнинг бу пурмаёно филкарли тарихчи олимлари археологларни буюк аждодларимиз нафаси тек-кан кўҳна заминни янада чуқурроқ ўрганишга ундади.

Юртимиз тарихи бугун бизнинг ҳеч қимдан кам эмаслиги-мизни, кам бўлмаслигимизни англашиб қўлади. Тарихчилар-нинг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, Қашқа воҳаси ҳақидаги илк хабарлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да учрайди.

(Давоми 4-бетда)

Сум/кг Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УЗПТСБ

Сум/кг Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УЗПТСБ

Символы цен: $\blacktriangle$ + Увеличилось; $\triangle$ не изменилось;
 $\blacktriangledown$ - Снизился; $\circ$ +0,0 на сколько сум

Средневзвешенные цены за не заключения прямых договоров

КАРБАМИД 144,7 ▲ + 0,5

